

Педагогик инновациялар, профессионал таълим бошқарув ҳамда педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларни малакасини ошириш институтининг 2022 йил ҳисоботи

Педагогик инновациялар институтида 2022 йил давомида қуйидаги ишлар амалга оширилди:

1. Малака ошириш ва қайта тайёрлаш ишлари

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 21 декабрдаги 534-сон буйруғига асосан Педагогик инновациялар, касб-ҳунар таълими бошқарув ҳамда педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти, унинг **3** та ҳудудий факультетлари ҳамда ОТМ ҳузуридаги **20** та қайта тайёрлаш ва малака ошириш марказларида жами **8691** нафар раҳбар ва педагог ходимлар малакасини ошириш режаси **95** фоизга бажарилган.

Хусусан, Педагогик инновациялар институтида **13** тоифа бўйича йиллик малака ошириш режаси **4916** нафар бўлиб, шундан йил давомида **4752** нафар (**97%**) раҳбар ва педагог ходимлар малака оширди.

2022 йил учун **13** та малака тоифалари бўйича **59** та модул қайта ишлаб чиқилиб, такомиллаштирди.

Педагогик қайта тайёрлов курсларидан **35** нафар раҳбар ва педагог ходимлар ўтиб, тегишли дипломларга эга бўлишди. Бошқарув кадрлар захирасига киритилган **50** нафар тингловчилар малакасини оширди.

Олий таълим муассасалари ҳузурида ташкил этилган МОМ ларда йил давомида қадар **3894 нафар** педагог кадрларнинг малакасини ошириш режалаштирилган, амалда **3291 нафар** педагог кадрларнинг малакасини оширилди (**92,5%**).

2022 йилнинг май-декабрь ойларида Тошкет шаҳар ҳудудий факультети **124** нафар тингловчи (*чилангар, сарторош, қурилиш машиналари оператори касблари*) Наманган вилоятида **93** нафар (*Ошпаз-қандолатчилик, Сотувчи назоратчи кассир, Тракторчи-машинист*) Самарқанд вилоятлари ҳудудий қайта тайёрлаш ва малака ошириш факультетида **92** нафар (*Электр жиҳозларига хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш элтромонтёр, Иссиқхона ва парник хўжалиги лобаранти, Чорвадор, Тракторчи-машинист*) тингловчилар ўз малакаларини оширди ва уларга малака оширганлиги тўғрисидаги сертификатлар берилди.

2. Кафедралар фаолияти, илмий-тадқиқот ишлари

2022 йил давомида Институтнинг кафедралари профессор-ўқитувчилари томонидан **21** та семинар-тренинглари, **23** та очик дарслар ўтказилди. Профессор ўқитувчилар томонидан **60** дан ортиқ илмий мақола, тезислар, ўқув, услубий ҳамда электрон қўлланмалар тайёрланиб, нашр этилди.

Институтда **15 нафар** таянч докторантлар, **2 нафар** докторантлар ҳамда **68 нафар** мустақил изланувчилар (55 PhD, 13 DSc) жами **85 нафар** тадқиқотчилар илмий тадқиқот ишларини олиб боришмоқда.

Институтда **DSc.03/30.12.2019.Ped.48.01** рақамли Илмий кенгаш фаолияти йўлга қўйилган бўлиб, 13.00.05 – Касб-ҳунар таълими назарияси ва методикаси ихтисосликгида 2022 йил январь-декабрь ойларида **15 та PhD** ва **4 та DSc** илмий даражасини олиш учун диссертациялар ҳимоя қилинди. Шунингдек, **6 нафар** тадқиқотчилар Илмий кенгаш ҳузуридаги илмий семинардан мувофиқиятли ўтиб, диссертация ҳимояси учун ОАКга маълумотлар юборилган.

2022 йил мобайнида **26 та** (шундан **4 таси DSc**) илмий тадқиқотларнинг натижаларини профессионал таълим ҳамда олий таълим тизимида, шунингдек, малака ошириш жараёнида амалиётга жорий этилган.

2022 йил мобайнида институт илмий тадқиқотчилар (докторант ва мустақил изланувчилар) томонидан жами **30 номда** услубий қўлланма, **31 номда** ўқув қўлланма, **6 номда** дарсликлар яратилган. **42 та** электрон дастурларга муаллифлик гувоҳномалари олинган. Шунингдек, **215 та** илмий мақолалар (шундан хорижда 89 та), **129 та** тезис материаллари (шундан хорижда 69 та) чоп этилган. Web of Science, Scopus, Science Direct базаларида **14 та** мақолалар чоп этилган. Бугунги кунда **10 нафар** тадқиқотчилар турли хил лойиҳаларда илмий тадқиқот ишларини олиб боришмоқда.

Институтда олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари салоҳиятидан фойдаланиш мақсадида жами **28 нафар** шундан, **1 нафар** педагогика фанлари доктори академик **17 нафар** фан доктори профессорлар ҳамда **10 нафар** фан номзоди (PhD), доцентлар билан ўқув, илмий ҳамда маънавий фаолиятлар йўлга қўйилган.

Институтда тадқиқотчилар учун тезкор ахборот манбаини яратиш ва тадқиқотчиларнинг илмий-тадқиқот ишларини олиб боришларига сифатли ахборот билан таъминлаш орқали уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида Институтнинг веб-сайтида “**science.profedu**” **саҳифаси** яратилди. Унда профессионал таълим тизими муаммолари бўйича илмий-тадқиқотлар олиб бориш ҳамда соҳани ривожлантиришнинг истиқболли вазифаларидан келиб чиққан ҳолда **100 га** яқин долзарб илмий тадқиқот мавзулари шакллантирилди.

Педагогик инновациялар, касб-ҳунар таълими бошқарув ҳамда педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларни малакасини ошириш институтида “**Энг яхши илмий-инновацион кафедра**” **кўрик-танлови** ўтказилди. Танлов номинациялари бўйича ғолибларни аниқлайдиган комиссиянинг баёнига мувофиқ ғолиблар аниқланди ва ғолиблар диплом ва бир марталик пул мукофатлари ҳамда барча иштирокчилар фахрий ёрлиқлар ва эсталик совғалари билан тақдирландилар.

Институтда институтнинг “**Фахрий профессор**” унвонини таъсис этилди ва унинг Низоми 2022 йил 31 октябрь куни Илмий кенгаш томонидан тасдиқланди.

2023 йил учун давлат бюджети маблағлари ҳисобидан ажратилган **7 та** таянч докторантурага ва **3 та** докторантурага қабул квотасига мувофиқ институт таянч докторантурасига кириш имтиҳонлари ҳамда докторантура ва мустақил изланувчиликка ўқишга қабул қилиш бўйича суҳбат ўтказиш мақсадида институт директорининг буйруғига асосан жорий йилнинг 17-19 декабрь кунлари кириш имтиҳонлари ўтказилди.

“Ўзбекистонда профессионал таълим” журнали таъсис этилиб, нишона сони чоп этилди.

3. Ўқув-меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш ишлари

Профессионал таълимнинг таълим дастурларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш бўйича **51 та** ишчи гуруҳ тузилди. Ушбу ишчи гуруҳларда **1284** нафар мутахассислар, жумладан, 692 нафар профессионал таълим муассасалари педагоглари, 333 нафар олий таълим муассасалари педагоглари, 321 нафар иш берувчи ташкилотлардан мутахассислар жалб қилинди.

Учинчи даражадаги **103 та**, тўртинчи даражадаги **125 та**, бешинчи даражадаги **92 та** касб ва мутахассисликлар бўйича, шунингдек “Worldskills” стандартлари асосида **15 та**, дуал таълим йўналишидаги **66 та** касблар бўйича жами **401 та** таълим дастурлари ишлаб чиқилди ва амалиётга жорий этилди.

35 та касблардан қисқа муддатли курсларининг ўқув режа ва модуллари иш берувчининг талаблари асосида ишлаб чиқилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 30 декабрдаги 792-сон қарорига мувофиқ 2022-2023 ўқув йилидан бошлаб умумтаълим мактаб ўқувчиларини касб-хунарга тайёрлаш учун **46 та касбнинг малака талаби, ўқув режаси, ўқув дастурлари** ишлаб чиқилиб тасдиқланди ва **edu.profedu.uz** сайтига жойлаштирилди.

Худудий бошқармалар орқали келиб тушган жами **3058 та** ўқитиш материаллари тўплами муҳокама қилинди ва таҳлилдан ўтказилди. Шулардан, **500 та** ўқитиш материаллари тўплами институтнинг **17 та** соҳа бўйича ўқув методик бирлашмаларнинг **63 та** ййғилишларида муҳокамадан ўтказилиб оммалаштириш учун тавсия этилди.

Соҳа бўйича ташкил этилган **17 та** ўқув-методик бирлашмаларда **55** номдаги ўқув қўлланмалар, **15** номдаги ўқув-методик тавсиялар, **500 та** фандан ўқитиш материаллари тўпламлари белгиланган тартибда муҳокамадан ўтказилиб, оммалаштириш учун тавсия этилди.

Профессионал таълим муассасалари педагоглари учун “Ўқитиш материаллари тўпламларини ишлаб чиқиш” ҳамда “Компетенцияга асосланган таълим дастурларини ишлаб чиқиш” мавзусида қисқа муддатли онлайн курсининг ўқув-методик таъминотини яратилди ва **profedu.uz** сайтига жойлаштирилди.

Профессионал таълим муассасаларига методик ёрдам кўрсатиш мақсадида 2022 йилнинг **24-29 март** кунлари барча ҳудудий бошқармаларга 14 та ўқув-услубий семинарлар ташкил этилди. Ушбу семинарда “Профессионал таълим муассасалари учун ўқитиш материаллари тўпламларини ишлаб чиқиш бўйича методик ёрдам кўрсатилди.

2022 йилнинг **22 июн - 3 июл** кунлари “Профессионал таълим тизимининг компетенцияга асосланган дастурларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш юзасидан барча ҳудудларда ҳудудий бошқармалар методистлари ҳамда профессионал таълим муассасаларининг махсус фан ўқитувчилари ва ишлаб чиқариш таълими усталари учун семинар-тренинглар ўтказилди.

2022 йилнинг **15-24 август** кунлари барча ҳудудий бошқармаларда “**Янги Ўзбекистонда эл азиз, инсон азиз!**” шиори остида шўбалар кесимида август кенгаши йиғилишлари ташкил этилди. Август семинарлари кейслар, таълим сифатини таъминлаш, самарали касбга йўналтириш стратегиялари бўйича халқаро тажрибалар, тавсиялар ҳамда педагог кадрларнинг фаолият самарадорлигини оширишга йўналтирилган тақдимотлар асосида ўтказилишида ҳудудий бошқарма методистларига ҳудудларга бириктирилган институт мутахассислари томонидан методик ёрдам кўрсатилиб, ҳар бир тайёрлов йўналиши бўйича малака талаби ва ўқув режаларига киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар, янги киритилган касблар ва мутахассисликлар бўйича ишлаб чиқилган таълим дастурлари тўғрисида маълумотлар берилди.

2022 йилнинг **14-29 ноябр** кунлари “Профессионал таълим тизимида кадрлар тайёрлашнинг дуал таълим тизимини жорий этишнинг ўқув меъёрий асослари ва методик таъминотини яратиш” бўйича Қашқадарё, Фарғона вилояти ва Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудий бошқармаси тассаруфидаги профессионал таълим муассасалари учун семинар тренинг ўтказилди.

Профессионал таълим муассасаларида ўқитилаётган бошланғич, ўрта ва ўрта махсус таълим даражаларидаги 320 та касб ва мутахассисликлар бўйича **2947 та фанлар** таҳлил қилинди. Шундан, бошланғич профессионал таълимда 782 та, Ўрта профессионал таълимда 1012 та, Ўрта махсус профессионал таълимда 1153 та табиий гуманитар, умумқасбий, махсус ва ўқув амалиёти фанлари умумлаштирилиб мониторинг қилинди.

Педагог кадрларга услубий ёрдам кўрсатиш юзасидан **60** дан ортиқ ўқув-услубий семинарлар ташкил этилди, уларда **6255** нафардан ортиқ педагоглар иштирок этди, **950** нафардан ортиқ педагогларга институтнинг тегишли сертификатлари топширилди.

4. Рақамлаштириш

Расмий веб-сайтга 2022 йил давомида **141 та** янгилик ва эълонлар, Институтнинг ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларига **780 дан ортиқ** пост ва

контентлар жойлаштирилди. Шу билан бирга Институт расмий веб-сайтида “Коррупцияга қарши кураш” саҳифаси ташкил этилди ва “Содир этил(аёт)ган коррупция ҳақида хабар бериш” интерактив хизмати ишга туширилди.

2022 йилда **edu.profedu.uz** профессионал таълим муассасаларини методик таъминлаш платформасига бошланғич профессионал таълим даражаси бўйича **103 та**, ўрта профессионал таълим даражаси бўйича **125 та**, ўрта махсус профессионал таълим даражаси бўйича **92 та**, жами **320 та** касб ва мухассисликларнинг ўқув-меърий ҳужжатлари ҳамда Ўқув-методик бирлашмалар томонидан муҳокамадан ўтказилиб тасдиқланган ва тегишли гувоҳномалари шакллантирилган **491 та** ўқитиш материаллари тўпламлари жойлаштирилди.

Шу билан бирга, платформага профессионал таълим муассасаларида фойдаланиш учун Ўқув-меърий ҳужжатлари (500 та), Ўқув адабиётлар, жумладан, дарсликлар (4 та), ўқув қўлланмалар (39 та), қўшимча адабиётлар (281 та) ва бадиий адабиётлар (196 та), Институт томонидан ишлаб чиқилган Қисқа муттадди курслар дастурлари (103 та), методик тавсиялар (5 та), методик йўриқномалар (4 та), видео ресурслар (18 та), тизимга оид инфографикалар (2 та), Профессional таълимнинг тайёрлов йўналишлари, касблар ва мутахассисликлар классификатори (1 та), таълим даражалари бўйича компетенциялар матрицалари тўпламлари (3 та) ҳамда Умумий ўрта таълим муассасаларининг 10-11-синфлари ўқувчиларини касб-ҳунарга тайёрлаш бўйича таълим дастурлари (46 та) жойлаштирилди. Шунингдек, платформада Касб-ҳунар таълими журналининг сўнги 4 йилдаги сонлари ҳамда дунёдаги профессионал таълим билан боғлиқ бўлган платформалар рўйхати ва улар ҳақида қисқача маълумотлар жойлаштирилган.

Шу кунгача платформадаги фойдаланувчилар сони **17 662 нафарни** ташкил этмоқда.

edu.profedu.uz методик таъминлаш платформасининг телеграм ижтимоий тармоғидаги боти яратилди. Ушбу бот орқали платформага жойлаштирилган ресурсларни рўйхатдан ўтмаган ҳолда юклаб олиниши имконияти яратилди.

Рақамли таълим ресурслари жойлаштириш имконини берувчи rtr.profedu.uz онлайн платформаси ишлаб чиқилди ҳамда платформани тестлаш ишлари олиб борилмаоқда. Платформага рақамли таълим контентлари жойлаштирилмоқда.

Турли мавзуларда **5 марта** онлайн сўровномалар яратилди, мониторинг қилинди ва натижалари умумлаштирилиб раҳбариятга тақдим этилди.

Малака ошириш модуллари, қўчма амалиёт дарслари, очиқ дарслар ва қисқа муддатли курслар бўйича **37 та** видео дарслар яратилди. Шунингдек,

машинасозлик (11), қурилиш (9), Меҳнат муҳофазаси (5), соғлиқни сақлаш (23) бўйича жами **85 та** видео материаллар тайёрланди.

Профессional таълим муассасалари учун “Ўқитиш материаллари тўпламлари”ни ишлаб чиқиш, Касбий стандартлар асосида компетенцияга асосланган таълим дастурларини ишлаб чиқиш, Компетенцияга асосланган таълим дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда Компетенцияларга асосланган модулли таълим дастурини ишлаб чиқиш бўйича жами **3 та** онлайн курсларнинг маъруза матни, тақдимоти ва видео қўлланмалари тайёрланиб, www.profedu.uz платформасига онлайн курс сифатида жойлаштирилди.

Токар касбининг “Токар дастгоҳларида металлларга ишлов бериш технологияси” фанидан **14 та**, Узатиш тизимларидан фойдаланиш ва уларни монтаж қилиш электрмонтёри касбининг “Алоқа ва абонент кириш тармоқлари” фанидан **14 та**, “Аппарат воситаларининг тузилиши” фанидан **12 та** ҳамда “Оптик толали алоқа кабеллари” фанидан **17 та**, Компьютер графикаси ва дизайн оператори касби бўйича “Уч ўлчовли моделлаштириш” фанидан **6 та**, “Растр графикаси асослари” фанидан **2 та**, “Вектор графикаси асослари” фанидан **7 та**, “Ахборот хавфсизлиги” фанидан **4 та** Шахсий компьютер архитектураси ва офис жихозларига техник хизмат курсатиш **10 та**, тикувчилик асослари **7 та** жами **91 та** дидактик-кўргазмали материалларни тайёрланди.

Токар касбининг “Токар дастгоҳларида металлларга ишлов бериш технологияси” фанидан, Узатиш тизимларидан фойдаланиш ва уларни монтаж қилиш электрмонтёри касбининг “Алоқа ва абонент кириш тармоқлари” фанидан, “Аппарат воситаларининг тузилиши” фанидан ҳамда “Оптик толали алоқа кабеллари” Компьютер графикаси ва дизайн оператори касбининг 3 та фани (Растрли графика асослари, Векторли графика асослари ва Уч ўлчовли моделлаштириш) махсус фанлари, Шахсий компьютер архитектураси ва офис жихозларига техник хизмат курсатиш, тикувчилик асослари фанидан жами **9 та** электрон ахборот таълим ресурслари (ЭАТР) тайёрланди..

Ўрта махсус, профессионал таълим муассасаларида “Информатика ва ахборот технологиялари” фани доирасида Интернет тармоғидан фойдаланиш бўйича соғлом муҳитни шакллантириш ҳамда бу борада талабаларнинг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга оид ўқув-амалий машғулотлар ўтказиш учун “Интернет тармоғидан фойдаланиш бўйича соғлом муҳитни шакллантириш ҳамда бу борада ўқувчиларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш” ўқув-амалий машғулот дастури, қўлланмаси ҳамда ўқув-кўргазмали материаллар ишлаб чиқилди ҳамда электрон почта орқали ҳудудларга етказилди.

“Таълим муассасаларида масофавий таълим ташкил этиш” бўйича йўриқнома ишлаб чиқилди ҳамда edu.profedu.uz методик таъминлаш платформасига жойлаштирилди.

Институтнинг асосий фаолият йўналишлари, стратегияси, имкониятлари, маҳаллий ва хорижий ҳамкорлари тўғрисида қўлланма ўзбек ва инглиз тилларида тайёрланиб нашрга берилди.

11 та методик тавсия, методик йўриқнома ва қўлланмаларнинг муқова дизайнини тайёрланди ва саҳифаланди. Шу билан бирга, бошланғич профессионал таълимнинг ўқув дастурлари тўплами муқовалари (95), Ўқитиш материаллари тўпламлари муқовалари (331 та), Бошланғич профессионал таълимнинг Умумтаълим фан дастурлари муқовалари (14 та), Умумий ўрта таълим муассасаларининг 10-11-синфлари ўқувчиларини касб, хунарга тайёрлаш дастурлари муқовалари (46), Қисқа муддатли ўқув курсининг ўқув режа ва модуллари муқовалари (14) тайёрланди ҳамда edu.profedu.uz Методик таъминлаш платформасига жойлаштирилди.

Ахборот-коммуникация технологиялари билим соҳаси бўйича профессионал таълимнинг 3-даражасидаги **18 та**, 4-даражасидаги **14 та** ҳамда 5-даражасидаги **10 та** жами **42 та** касб ва мутахассисликларнинг профес-сиограммалари тайёрланди.

Профессионал таълим тизими таҳлили, амалга оширилаётган ишлар, амалдаги истиқболли лойиҳалар, тизимдаги муаммолар ва такомиллаштиш бўйича таклифлар, профессионал таълим тизимида қайта тайёрлаш ва малака ошириш, профессионал тайёргалик марказларини ташкил этиш, хорижий тажрибаларни ўрганиш ҳамда келгусидаги устувор вазифалар ва бошқа 60 дан ортиқ мавзуларда тақдимот материаллари тайёрланди.

Институтида фаолият юритаётган профессор-ўқитувчилар, илмий ходимлар, таянч докторантлар ва тингловчиларни профессионал таълимни ривожлантиришдаги изланиш, илмий фаолиятларини олиб бориш ва ижодий фаолиятларида фойдаланишларига қулайлик яратиш мақсадида институтнинг edu.profedu.uz платформаси ҳамда Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг миллий базасидан доимий равишда фойдаланишлари учун Миллий кутубхонанинг (press.natlib.uz, diss.natlibuz, nodir.natlib.uz, qr.natlib.uz, media.natlib.uz) платформаларига уланди.

АРМда жами ўқув адабиётлари сони 16001 та бўлиб, шундан 13000 та ўқув адабиётлар рўйхати шакллан-тирилди. 630 та ўқув дарсликлар сканер килиниб электрон шаклга келтирилди. <http://192.168.100.53> институт кутубхона лакол тармоғига 46 та ўқув қўлланмалар, 630 та ўқув дарслик, 742 та бадий адабиётлар, 50 та справчник луғат энсклапедиялар, 30 та ўқув услубий мажмуалар 265 та шарк юлдузи журналлари жойланди.

5. Ўқув адабиётларини яратиш, ноширлик ишлари

2022 йилда Олий таълим ва профессионал таълим муассасалари ҳамда соҳа мутахассислари томонидан жами **305** номдаги ўқув қўлланмалар яратилиб Вазирликнинг Мувофиқлаштирувчи кенгашидан ўтказилди. Шунингдек, муаллифлар томонидан тайёрланган **37** номдаги ўқув адабиётлар қўлёзмалари Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг навбатдаги йиғилишига муҳокама учун тақдим этилган.

2022 йилда умумкасбий ва махсус фанлар бўйича тайёр бўлган **36** номдаги ўқув қўлланмаларни **125 175** нусхада давлат бюджети маблағлари доирасида ажратилган **4,1** млрд. сўмга нашр этилди ва таълим муассасаларига етказилди.

Шунингдек, бугунги кунда **40** номдаги **14 596** донга ўқув қўлланмалар чоп этилиб, таълим муассасаларига етказилиши амалга оширилмоқда.

6. Хоржий ҳамкорлик ишлари

Педагогик инновациялар институт профессор-ўқитувчилари ва мутахассислари томонидан хорижий ва миллий илмий инновацион **лойиҳа ва грантларни** жалб этиш ва амалга ошириш, шартнома асосида таълим хизматларини кўрсатиш бўйича муайян ишлар бажарилиб келинмоқда. Педагогик инновациялар институти хорижий Россия Халқлар дўстлиги университети (РУДН), Россия Федерацияси профессионал таълимини ривожлантириш институти (ИРПО), Беларуссия Республикаси профессионал таълим институти (РИПО), Немис Халқ Университетлари ассоциацияси (DVV), Deutsche Gesellschaft fur Internationale Zusammenarbeit (GIZ) GmbH, German Sparkassenstiftung for International Cooperation, Британиянинг таълим, нашр ва баҳолаш хизмати “Pearson Education Limited”, Швецариянинг “SustainableSkills”, ЮНЕСКО каби олий таълим муассасалари ҳамда лойиҳа доирасидаги ташкилотлар билан имзоланган ҳамкорлик шартномалари асосида профессионал таълим тизимини ривожлантириш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги грантлари, хорижий ва миллий таълим ҳамда илмий инновацион лойиҳа ва грантларни жалб этиш ва амалга ошириш, пуллик таълим хизматлари кўрсатиш ҳисобидан 2022 йилда Институтнинг бюджетдан ташқари ҳисоб рақамига **3,1** млрд. сўм ҳамда **60** минг евро маблағ жалб этилди.

**Педагогик инновациялар
институти директори**

З.Худайбердиев